

СЎЗ БОШИ

Мазкур Китоб икки минг йилдан ошиқ давр мобайнида муқаддас деб эътироф этилган битикларнинг ўзбек тилига қилинган биринчи тўлиқ таржимасидир. Муқаддас Китоб Эски ва Янги Аҳд битикларидан иборат¹. Булар таркибида ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган Таврот, Забур ва Инжил китоблари ҳам бор.

1992 йили Янги Аҳд китоблари ўзбек тилида “Инжил” номи остида илк бор тўлиқ ҳолда чоп этилган эди. Ўша нашр Эски Аҳд таркибидаги Ибтидо ва Забур китобларини ҳам ўз ичига олган. Ўшандан бери Эски Аҳднинг ўн бешта китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шу жумладан, Ибтидо ва Забур китобларининг аввалги нашри жиддий таҳрир қилингандан сўнг қайтадан нашр қилинди. Илк чоп этилган Инжил китоби ҳам жиддий таҳрир қилингандан кейин мазкур нашрга киритилди.

Ушбу таржима устида мутахассислар йигирма йилдан кўпроқ меҳнат қилдилар. Ниҳоят, Муқаддас Китоб тўлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида чоп этилди. Мазкур таржиманинг тўлиқ нашрини ва илова қилинган ўқув манбаларини “www.ibt.org.ru/muqaddas-kitob” интернет саҳифасидан топишингиз мумкин. Бу электрон манбаларни компьютер ва уяли телефон каби воситаларга кўчириб олиб, улардан фойдаланишингиз мумкин.

Муқаддас Китобда баён қилинган аксарият воқеалар ғарбий Осиёда бўлиб ўтган бўлса–да, ундаги бебаҳо ҳикматлар дунё бўйлаб ёйилиб, кўплаб халқлар маданиятини янада бойитди. Инсоният тарихида Муқаддас Китобдан кўра кўп таржима қилинган китоб йўқ. Муқаддас Китоб жаҳон маданиятининг классик мероси ҳисобланади. Мазкур нашр амалга оширилаётган пайтда Муқаддас Китоб тўлиқ ҳолда дунёдаги 550 тилга таржима қилингани маълум эди. Бундан ташқари, Муқаддас Китобнинг айрим парчалари тахминан 2300 тилга таржима қилинган.

Бутун жаҳонда юксак маданий мерос сифатида қадрланадиган мазкур Китоб Худонинг инсоният билан бўлган муносабати тарихи ҳақида сўз юритади. Шу боис Китоб асрлар давомида одамларга Яратувчи билан ҳамда бир–бирлари билан ярашиш йўлини кўрсатиб келмоқда.

Таржимонлар гуруҳи мазкур Китобга жиддий илмий иш сифатида ёндашганлар. Улар Китоб таржимаси юзасидан чуқур тадқиқотлар олиб бориб, ўз олдларига қўйилган вазифаларни ниҳоятда диққат–эътибор билан бажарганлар. Буни нафақат матннинг ўзидан, балки китобхоннинг билимини ошириш учун китобга илова қилинган қўшимча маълумотлардан ҳам кўришингиз мумкин. Шу билан бирга, таржима услубига ҳам катта эътибор берилган, матн замонавий китобхонларимизга тушунарли бўлиши учун табиий ва содда тилда таржима қилинган.

Бу катта ишни амалга ошириш учун йиллар давомида кўплаб одамлар ўз вақтларини аямай, тинимсиз меҳнат қилдилар. Нафақат таржимонлар, балки муҳаррирлар, бир қанча китобхонлар ўзбекча матннинг сифатли бўлиши учун ёрдам бердилар. Нашриёт ходимлари уларнинг ҳаммасига ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Биз Яратганга шукроналар айтамыз ва миннатдорчилигимизни билдирамыз. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Худо ҳар бир одамни Ўзига чорлайди,

¹ Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун МУҚАДДАС КИТОБГА КИРИШ бўлимига қаранг.

Хушхабарнинг маъзи ҳам асосан ана шундан иборат. Исо Масих ер юзига келиб, хочдаги ўлими ва ўликдан тирилиши орқали бизга Худо билан ярашиш имконини берди. Худонинг мангу севгиси Исо орқали осмондан заминга тушиб келди. Исо Худонинг феъл–атворини инсоний маданият ва тил орқали бизга намоён қилди. Шунинг учун биз Худонинг қандай феъл–атворга эга эканини била оламиз. Умид қиламизки, Муқаддас Китобнинг мазкур таржимаси кўплаб китобхонларимизни Хушхабар орқали Худо билан яраштиради. Танҳо Худога ҳамду санолар бўлсин!

Нашриёт ходимлари

КИТОБХОНЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

Китобхонларимиз Муқаддас Китоб матнини тўлиқроқ тушунишлари ва ундан мукамал фойдалана олишлари учун мазкур нашрга қуйидаги қўшимча маълумотлар илова қилинган.

“Кириш” қисмлари

Муқаддас Китоб таркибидаги ҳар бир китобга “Кириш” берилган. “Кириш”ларда китобнинг тузилиши ва асосий мавзуси баён қилинган. Шунингдек, китоб муаллифи ҳақида, муаллиф китобни ким учун ва қачон ёзгани, китоб ёзилган пайтдаги вазият ҳақида маълумотлар берилган.

Сарлавҳалар

Китобхон матни яхши тушуниши учун, Муқаддас Китобнинг кўплаб замонавий таржималарида сарлавҳалар берилган. Шу анъанага кўра, ўзбекча таржимада ҳам сарлавҳалар қўлланилган. Сарлавҳа муайян бир парчанинг асосий мавзусини ифодалайди. Сарлавҳалар қора ҳарфлар билан, сарлавҳачалар курсив шаклида ёзилган. Асл матнда сарлавҳалар йўқ. Забур китобининг аксарият санолари бошида курсив шаклида қўшимча маълумот берилган. Забурдаги бу каби маълумотлар асл матн таркибида бор (мисол учун, Забур 10 ва 33–саноларга қаранг).

Изоҳлар

Изоҳлар матнда юлдузча (*) билан белгиланган бўлиб, юлдузча изоҳланадиган сўз ёки иборадан кейин қўйилган. Ҳамма изоҳлар Муқаддас Китоб охирида илова қилинган “Изоҳлар” бўлимида берилган. Ҳар бир китобнинг изоҳлари алоҳида берилган бўлиб, изоҳлар билан таъминланаётган китоб номи остида келган. Изоҳларда қадимги Яқин Шарқ ва унга қўшни давлатларнинг тарихига, маданиятига, географик жойлашувига, саналарга ва вақт тизимига оид маълумотлар киритилган, Муқаддас Китобнинг муайян матни мазмунига мос келадиган айрим оятлар манзили² берилган. Шунингдек, қадимги ўлчов бирликларининг замонавий эквивалентлари ҳам изоҳланган. Изоҳларда айрим оятларнинг таржимадаги муаммолари тушунтирилган бўлиб, баъзан оятдаги сўз ёки жумланинг бошқа варианты келтирилган. Айрим ҳолларда изоҳ қисқа берилган бўлиб, китобхонни луғатдан маълумот олишга ундайди.

Изоҳлар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун “Изоҳлар” бўлимининг

² Яъни Муқаддас Китоб таркибидаги китобнинг номи, боби ва ояти (мисол учун, Юҳанно 3:16). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун мазкур бўлимнинг БОБ ВА ОЯТЛАР РАҚАМЛАРИ қисмига қаранг.

бошида берилган “Изоҳларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш тартиби” қисмига қаранг.

Луғат

Луғатни тузишдан мақсад Муқаддас Китобда бир неча бор такрорланиб келадиган муҳим ёки нотаниш сўзлар ва ибораларнинг маъносини китобхонга тушунтириб беришдир. Луғат таркибидаги баъзи сўзлар ва иборалар китобхонларимизга таниш бўлиши мумкин (мисол учун, АҲД, МАСИҲ, АБАДИЙ ҲАЁТ), бироқ луғатда бу каби сўз ва ибораларнинг Муқаддас Китобдаги ўзига хос жиҳатлари кенгроқ очиб берилган. Шунингдек, луғатда эски ўзбек тилига оид архаик сўзлар (мисол учун, КАНЪОН, БАНДАРГОҲ) ҳам изоҳланган. Айрим сўзлар ва иборалар қадимги Яқин Шарқ маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзбек тили тарихида ишлатилмагани сабабли, асл матндан транслитерация усулида ўзбекча таржимага кўчирилган (мисол учун, ФАРЗИЙ, ФИСИҲ БАЙРАМИ). Айрим ҳолларда маълум бир сўз ёки иборанинг маъноси изоҳда қисқа берилган, луғатда эса батафсил тушунтирилган.

Кўпинча луғатда бирон сўз ёки иборанинг маъноси билан бир қаторда, ўша даврга хос тарихий ва маданий жараёнга оид маълумотлар ҳам берилган. Бу сўзлар ва ибораларга берилган шарҳлардан кейин келадиган изоҳларда Муқаддас Китобдаги оятларнинг манзили кўрсатилган. Бу оятлар китобхонга Муқаддас Китобда баён этилган таълимотларни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Китобхон айрим буюмларнинг тузилиши ва шаклини кўз олдида келтириб, тасаввур қила олиши учун, луғатда ўша буюмларнинг расмлари келтирилган.

Расмлар ва лойиҳалар

Исроил халқи Мусо давридан бошлаб бир неча аср давомида Худога Муқаддас чодирда сажда қилиб келган. Шоҳ Сулаймон тахтга ўтиргандан кейин эса улар Худога Қуддусдаги Маъбадда сажда қиладиган бўлдилар³. Бу табаррук иншоотлар асрлар давомида қандай кўринишларда бўлганини китобхонларимиз тасаввур қила олишлари учун, мазкур нашрга ўша иншоотларнинг расмлари ва лойиҳалари илова қилинган. Бу расмлар ва лойиҳалар Муқаддас Китобни чуқур тадқиқ этган олимларнинг илмий хулосаларига асосланган.

Эски Аҳд ва Янги Аҳд хронологияси жадваллари

Эски Аҳд ва Янги Аҳд хронологияси жадвалларида Муқаддас Китоб тарихида юз берган муҳим воқеалар ва уларнинг саналари ҳақида маълумот берилган. Жадвалларда шоҳлар, пайғамбарлар ва муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа шахслар яшаган даврлар келтирилган. Шунингдек, Янги Аҳд жадвалида китоблар тахминан қачон ёзилгани ҳақида маълумот берилган. Қадимги давр тарихидаги айрим воқеаларнинг юз берган аниқ вақтини белгилаб олиш ниҳоятда мураккабдир. Олимлар бу борада бир тўхтамга кела олмаганлари боис, жадвалда ўша воқеаларнинг тахминий саналари кўрсатилган.

Эски Аҳддаги ва Янги Аҳддаги ўхшаш парчалар жадваллари

Айрим ҳолларда бир китобдаги⁴ баъзи оятларнинг мазмуни айнан битта

³ Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МУҚАДДАС ЧОДИР ИБОРАСИГА ВА МАЪБАД СЎЗИГА ҚАРАНГ.

⁴ Яъни Муқаддас Китоб таркибидаги бир китоб. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун мазкур бўлимнинг БОБ ВА ОЯТЛАР РАҚАМЛАРИ қисмига қаранг.

китобнинг ўзида ёки бошқа китобда такрорланади. Бундай такрорлар, асосан, 2-4 Шоҳлар китобларида, 1-2 Солномалар китобларида ва тўртта Хушхабарда учрайди. Китобхонларимизга ўхшаш парчаларни топишга ёрдам бериш мақсадида, Эски Аҳд ва Янги Аҳд китоблари учун махсус жадваллар ишлаб чиқилди. Бу жадвалларда ўхшаш парчаларнинг асосий мавзуси ифодаланган ва ўша парчаларнинг Муқаддас Китобдаги манзили келтирилган. Жадвалларни тузишдан яна бир мақсад китобхонга 2-4 Шоҳлар, 1-2 Солномалар китоблари ва тўртта Хушхабарларни яхшироқ қиёслаш имконини беришдир. Шунинг учун баъзи воқеалар мана шу китобларнинг фақатгина биттасида ёритилган бўлса-да, ўша воқеанинг манзили жадвалга киритилган.

Хариталар

Мазкур нашрда чоп этилган ўн саккизта харита икки минг йиллик тарихий даврни — Иброҳим пайғамбар давридан тортиб то милодий биринчи асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Хариталарда кўрсатилган жой номлари Муқаддас Китобдаги муҳим воқеалар ёки ўша воқеаларга бевосита таъсир кўрсатган тарихий ўзгаришлар билан боғлиқ.

ТАРЖИМА УЧУН АСОС БЎЛГАН МАТНЛАР

Муқаддас Китоб аслида иброний, орабий ва юнон тилларида ёзилган ва ўзбек тилига ўша тиллардан таржима қилинган. Муқаддас Китобнинг кўплаб қўлёзмалари, шунингдек, қадимда бошқа тилларга қилинган таржималар қўлёзмалари бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Олимлар Муқаддас Китобнинг асл матнидаги баъзи сўзларнинг маъносини тўлиқ аниқлаш учун бу қўлёзмаларни бир-бирига қиёслаб ўрганадилар. Бундай илмий тадқиқотлар натижасида шу нарса ўз исботини топдики, Муқаддас Китобнинг асл матни асрлар давомида садоқат билан асраб келинган. Шунинг учун биз қатъий ишонч билан айта оламизки, мазкур таржима учун асос бўлган матн қўлёзмаларнинг асл матнидан деярли фарқ қилмайди.

Бу қўлёзмалар дунёнинг турли музей ва кутубхоналарида сақланиб келмоқда. Энг қадимги қўлёзмалардан бири Ишаё пайғамбар китоби бўлиб, тахминан милоддан олдинги 100 йилда кўчирилган. Бу битикдан ва диққатга сазовор яна тўртта қўлёзмадан олинган парчаларнинг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. Ушбу қадимий қўлёзмалар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИБРОНИЙЧА МАТН ва ЮНОНЧА МАТН ибораларига қаранг.

ТАРЖИМА ЖАРАЁНИ, УНГА ЁНДАШИШ ВА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛ

Таржима жараёнида биринчи қадам таржимонлар асл матннинг маъносини имкон қадар тўлиқ ва батафсил тушуниб олишларидан иборат. Муқаддас Китоб ниҳоятда қадимги матн бўлгани сабабли, бу вазифани бажариш осон кечмайди. Бироқ икки минг йилдан ошиқ давр мобайнида олимларнинг тадқиқотлари натижасида йиғилган маълумотлар ёрдамида буни амалга оширса бўлади. Таржимонларимиз иш жараёнида Муқаддас Китобга ёзилган турли шарҳлардан ва бошқа тилларга қилинган таржималардан фойдаланганлар. Бунда уларга иброний, орабий ва юнон тиллари мутахассислари ёрдам берганлар. Таржимонларимиз Муқаддас Китобдаги воқеалар юз берган жойларни зиёрат қилиб келганлар. Улар Муқаддас Китобнинг асл матни мазмунини қадимда одамлар қандай тушунганларини тўлиқ англаш мақсадида ўша ерларнинг

тарихини, маданиятини ва табиатини ўрганганлар.

Ҳолбуки, таржима яхши чиқиши учун асл матннинг маъносини тўлиқ тушунишнинг ўзи кифоя эмас. Мазкур таржиманинг мақсади асл матн ғояларини ўзбек китобхонига тўғри, табиий ва раво тарзда етказишдан иборатдир. Агар китобхон матн мазмунини яхши тушунмаса, таржима яхши қилинган, деб айтиб бўлмайди. Шу сабабдан таржимонларимиз асл матн мазмунини ўрганиш билан бир қаторда, таржима асосларини ҳамда ўзбек тили грамматикаси, синтаксиси, стилистикаси ва тилнинг ўзига хос бошқа жиҳатларини синчиклаб ўрганганлар. Уларнинг мақсади таржиманинг ўзбекча матнини кенг оммага тушунарли, содда, раво ва адабий тилда етказиш эди.

Китобхон асл матн маъносини тушуна олиши учун, таржимонлар матнни сўзма–сўз эмас, мазмунига кўра таржима қилганлар. Англашилмовчилик пайдо бўлмаслиги учун, айрим изоҳларда асл матндаги ибора ёки жумланинг сўзма–сўз таржимаси келтирилган. Кўпинча Муқаддас Китобда баён қилинган воқеаларда китоб муаллифи тингловчининг бирон муҳим ҳодиса борасидаги билимига таяниб, баъзи маълумотларни тушириб қолдирган. Масалан, асл матнда жой номи берилганда, бу ном шаҳарга ишора қиляптими ёки юртгами, аниқ ёзилмаган. Замонавий ўзбек китобхони бундай парчаларнинг маъносини тўлиқ тушуниши учун, таржимонлар матнда назарда тутилган маънони очиқ баён қилганлар ёки бундай ўринларга изоҳ берганлар. Бундай усулда таржима қилинган матн кенг оммага тушунарли тарзда етиб боради. Китобхон матнни ўзи учун ичида ўқиса ҳам, овоз чиқариб тингловчиларга ўқиб берса ҳам маъносини осонликча тушуниб олади.

Таржиманинг муваффақияти қўйилган мақсадга қай даражада эришилганига қараб баҳоланади. Ўзбек тилига қилинган мазкур таржима қўйилган мақсадга мувофиқ ҳар томонлама, бир неча босқичдан иборат бўлган батафсил текширув жараёнларидан ўтган. Таржима матни ўзбек тилининг юксак малакали мутахассислари томонидан ҳам, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан бўлган ҳар хил касб эгаларидан иборат эркак ва аёллар томонидан ҳам текширилган. Турли тоифадаги бу одамлар таржима қилинган матнни ўқиб, ўз фикрларини билдирганлар, матнни яхшилаш мақсадида қайси сўзни қай ўринда қўллаш мақсадга мувофиқлигига оид таклифлар берганлар. Мазкур текширув усуллари натижасида ўзбек тилига таржима қилинган матн бутун ўзбек халқига тушунарли содда адабий тилда юзага келган.

Маълумки, бир тилдаги ғояни бошқа тилга бир неча йўл билан, турли иборалардан фойдаланган ҳолда таржима қилиш мумкин. Шу сабабдан, асл матн турли тилларга таржима қилинганда, таржималар бир–биридан биров фарқ қилиши табиий ҳолдир. Таржима усулидан фарқли ўлароқ, асл матннинг мазмуни ҳам айрим таржималарда бир–биридан фарқ қилади. Бу муаммони ҳисобга олган ҳолда, таржимонлар баъзан изоҳларда мазмунан бошқача таржима қилинган оятларнинг вариантини ҳам бериб ўтганлар. Матнда эса таржимонларнинг фикрича контекстга тўғри келадиган, уларнинг тушунчаси бўйича муаллиф назарда тутган маъно берилган.

ТАРЖИМАДАГИ АЙРИМ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Худонинг номларини таржима қилиш

Муқаддас Китобни таржима қилиш жараёнида учрайдиган қийинчиликлардан бири асл матндаги Худонинг номларини тўғри таржима қилишдир. Таржимонлар

ҳар бир номни мазмунан тўғри ва изчиллик билан таржима қилишга ҳаракат қилдилар. Кўпинча матнда Худонинг иккита, ҳатто учта номи бирин-кетин ишлатилган. Бундай ҳолда таржимонлар бу номларни ўзбек тилида табиий эшитиладиган номлар билан таржима қилдилар. Худонинг номлари ҳақида луғатда батафсил маълумот берилиб, уларнинг ибронийча ёки юнонча эквивалентлари ҳам кўрсатилган (луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг).

Шеърӣй ва апокалиптик⁵ жанрлардаги матнларнинг таржимаси

Муқаддас Китоб матни турли адабий жанрлардан ташкил топган. Муқаддас Китоб таркибидаги Забур китоби тўлиғича ва ҳикмат жанридаги китобларнинг аксарият қисми шеърлардан иборат. Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларининг аксарияти ҳам шеърӣй усулда ёзилган.

Иброний шеърӣятида мажозӣй тимсоллар, сўз ўйинлари, оҳангдош сўзлар, қофия ва мисралардаги бўғинлар сони бир маромда ишлатилган бўлиб, тилнинг нақадар бой эканлигидан далолат беради. Иброний шеърӣятининг диққатга сазовор бир хусусияти параллелизмдир. Одатда бу усул бирор ғояни тасдиқлаш, унга урғу бериш ёки қўшимча маъно ифодалаш мақсадида ишлатилади. Параллелизм ҳосил қилишда мазмунан яқин бўлган гаплар жуфт мисраларда бирин-кетин, турли сўзлар билан такрорланади. Мисол учун,

“Эй шоҳлар! Энди ақл билан иш қилинг.

Эй замин ҳукмдорлари! Огоҳ бўлинг.” (Забур 2:10)

Шеърӣй парчалар ўзбек тилига таржима қилинганда, таржимонлар, биринчи навбатда, матн мазмунини китобхонга тўғри ва содда тилда етказишга ҳаракат қилганлар. Таржимонлар имкон қадар, иброний шеърӣятининг хусусиятларини сақлашга уринганлар. Шеърлар бандларга бўлинган. Муқаддас Китобнинг асл матнидаги шеърлар ўзбек тилидаги шеърлардан усули ва тузилиши жиҳатидан фарқ қилса-да, китобхонларимиз таржима қилинган бу шеърларнинг мазмунидан ва ўзига хос гўзаллигидан завқ оладилар, деган умиддамиз.

Бир тилдаги шеърни бошқа тилга ўгириш анча мушкул. Бу айниқса мажозӣй маънодаги ибораларга тааллуқлидир. Ҳар бир тил ва маданиятнинг ўзига хос рамзӣй образлари ҳамда мажозӣй маънода ишлатиладиган сўз-иборалари бор. Ибронийча матндаги бундай иборалар ва образлар ўзбек тилига таржима қилинган, маъноси мавҳум бўлган ҳолларда, таржимонлар қуйидагича йўл тутганлар: мажозӣй образлардан чекиниб, иборанинг маъносини дарак гап билан ифодалаганлар. Айрим ҳолларда эса асл матндаги маънони ифодалайдиган ўзбек тилидаги бошқа бир мажозӣй иборадан фойдаланганлар. Баъзи ҳолатларда эса матнда ибронийча иборани ва образни сақлаб, маъносини изоҳда очганлар.

Муқаддас Китобнинг апокалиптик жанрдаги парчалари (мисол учун, Дониёр китобининг иккинчи қисми ва Ваҳӣй китоби) рамзларга ниҳоятда бой бўлиб, мажозӣй маънони ифодалайди. Аксарият ҳолларда, бу рамзлар ўзбекча таржимада ҳам сақланган. Баъзи рамзӣй образларга изоҳлар берилган бўлиб, маъноси очилган, бироқ кўп ҳолларда изоҳлар берилмаган. Чунки апокалиптик адабиётдаги рамзлар маъноси хусусида олимларнинг қарашлари турличадир. Муқаддас Китобдаги бундай парчаларнинг маъносини янада тўлиқ тушунмоқчи бўлган китобхонларимиз Муқаддас Китоб бўйича тузилган шарҳларга, яъни

⁵ яъни охирзамонга оид башоратлар ва ваҳӣйлар

комментарийларга мурожаат қилишлари лозим.

Маданий тушунчаларга хос терминларни таржима қилиш

Юқорида айтиб ўтилгандай, мазкур таржиманинг мақсади Муқаддас Китоб матнини ўзбек китобхонига содда ва рагон тилда етказишдан иборатдир. Маданий тушунчаларга хос терминлар таржимасида ҳам таржимонларимиз айнан шундай мақсадни кўзладилар. Улар қадимги матн таржимасида замонавий сўзларни ишлатмаган ҳолда, бу каби терминларни тушунарли йўл билан етказишга ҳаракат қилдилар. Шу сабабдан асл матнда қўлланган оғирлик, ҳажм ва узунлик каби ўлчов терминлари, шунингдек, пул бирликлари ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлган терминлар билан таржима қилинди. Асл матндаги ибронийча ва юнонча терминлар изоҳларда замонавий ўлчовни ифодалайдиган сўзлар билан тушунтирилди. Бироқ иброний календарига ойларга келганда, асл матндаги номлар сақлаб қолинди. Ойларнинг қадимги номларига изоҳлар берилган бўлиб, ҳозирги календарь бўйича қайси ойга тўғри келиши тушунтирилди.

Ҳар хил асбоб–ускуналарни, масалан, мусиқа асбобларини, деҳқончиликда фойдаланиладиган иш қуролларини ва ҳоказоларни таржима қилишда уларнинг ўзбек тилидаги эквиваленти ишлатилган. Аммо Муқаддас Китоб олимлари бу қадимги асбобларнинг айримлари аниқ қандай кўринишда бўлгани ёки қай тарзда ишлатилгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Шу боис таржимада контекстга мос равишда, ўзбек китобхонига таниш бўлган терминлар танланган бўлиб, изоҳларда қўшимча маълумот берилди. Луғатда баъзи буюмлар ҳақида батафсил маълумот берилган бўлиб, уларнинг расмлари келтирилган.

Жой номлари

Кўпинча Муқаддас Китобнинг асл матнида жой номлари берилганда, ўша жойлар шаҳар, маълум бир ҳудуд ёки юрт эканлиги ҳақидаги маълумотлар очиқ ёзилмаган. Мазкур таржима ўзбек китобхонига тушунарли бўлиши учун, таржимонларимиз кўп ўринларда бу каби жойлар ҳақидаги маълумотларни очиб бердилар. Кўпинча бундай маълумот муайян бир ном бирорта парчада илк бор учраганда берилди. Мисол учун, асл матнда: “Ҳудуднинг чегараси Кавул, Абдўн, Рехоб, Хаммон, Канаҳдан ўтиб, Буюк Сидонгача етади” деб ёзилган бўлса, ўзбекча таржимада бу маълумот қуйидагича берилган: “Ҳудуднинг чегараси Кавул, Абдўн, Рехоб, Хаммон, Канаҳ шаҳарларидан ўтиб, Буюк Сидон шаҳригача етади” (Ёшуа 19:27-28).

Янги Аҳдда Эски Аҳддан келтирилган иқтибослар⁶

Маълумки, Янги Аҳд муаллифлари Эски Аҳддан иқтибослар келтирганлар. Мазкур таржимада иқтибосларга изоҳлар берилиб, иқтибос Эски Аҳднинг қайси китобидаги оятлардан олингани кўрсатилди. Янги Аҳдда келтирилган баъзи иқтибослар Эски Аҳддаги парчадан бироз фарқ қилади. Бунинг бир нечта сабаби бўлиши мумкин. Биринчидан, Янги Аҳддаги парча ўзбек тилига Эски Аҳднинг ибронийча матнидан эмас, балки Янги Аҳднинг юнонча матнидан таржима қилингани сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолда оятлардаги фарқ иброний ва юнон тилларининг хусусиятлари ва таржима услубига боғлиқ, деб қаралади. Иккинчидан, Янги Аҳд муаллифлари иқтибосни Эски Аҳднинг ибронийча

⁶ Муаллиф ёки сўзловчи бошқа бир матндан келтирилган парча, гап ёки ибора.

матндан эмас, балки юнон тилидаги қадимий таржимасидан⁷ келтиргани сабаб бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда юнонча таржима мазмун жиҳатдан ибронийча матндан биров фарқ қилади. Ва ниҳоят, Янги Аҳд муаллифлари Эски Аҳддан иқтибосни сўзма-сўз келтирмай, керакли қисмларини олиб, матн маъносига мос равишда ишлатган бўлишлари ҳам мумкин.

БОБ ВА ОЯТЛАР РАҚАМЛАРИ

Муқаддас Китоб жами 66 та муқаддас битикдан иборат бўлиб, бу битиклар “китоблар” деб юритилади. Муқаддас Китоб таркибидаги барча китоблар боблар ва оятларга бўлинган. Асл матнда боблар ва оятлар бўлмаган, булар кейинчалик котиблар томонидан китобхон тушуниши учун, ёрдам тариқасида қўшилган. Бешта қисқа китоб: Ободиё, Филимўн, 2 Юҳанно, 3 Юҳанно ва Яхудо китоблари бобларга бўлинмасдан, фақат оятларга бўлинган.

“Изоҳлар” ва “Луғат” қисмларида Муқаддас Китобнинг кўплаб оятлари манзиллари берилган. Оят манзили қуйидагича белгиланган: китоб номи, боб рақами, икки нуқта (:) ва оят рақами. Масалан, “Юҳанно 3:16” Ҳаворий Юҳанно баён этган муқаддас Хушхабарнинг учинчи боби ўн олтинчи оятига ишора қилади. Боб ҳақида сўз кетганда эса фақат китоб номи, боб рақами ва “-боб” сўзи ёзилди (масалан, Ҳакамлар 18-боб). Муқаддас Китоб таркибидаги бобларга бўлинмаган бешта қисқа китобнинг фақат оят рақами берилди, холос. Масалан, “2 Юҳанно 6” Ҳаворий Юҳаннонинг иккинчи мактуби олтинчи оятига ишора қилади. Агар иккита оят рақами ўртасига чизиқча қўйилган бўлса (масалан, 2:4-8), демак, ҳар икки оят орасидаги барча оятлар назарда тутилган бўлади.

Айрим ўринларда матн ўзбек тилида равон ўқилишини, тушунарли бўлишини ва воқеалар изчиллигини таъминлаш мақсадида бир нечта оят, асосан икки ёки учта оят бирлаштирилган. Бунинг натижасида оятлар тартиби ўзгарган, яъни кейинда турган оят бир-икки оятдан олдинга ўтказилган. Мисол учун, Ибтидо 2:2-3 га ва Ҳизқиёл 1:1-3 га қаранг.

Муқаддас Китоб матнини рақамлашнинг бир нечта анъанаси мавжуд. Шу боис Муқаддас Китобдаги бобларнинг ва оятларнинг рақамланиши ҳамма таржималарда ҳам бир-бирига айнан мос тушавермайди. Буни айниқса Забур китобида яққол кўришимиз мумкин. Мисол учун, ўзбек ва рус тилларидаги 39 оятдан иборат 9-сано инглизча таржимада 9-10-саноларни ташкил қилади. Ўзбекча таржимада мазкур минтақада қўлланиладиган усулдан фойдаланилди.

БОШ ҲАРФЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР

Ўзбекча таржимада бирон одамнинг қайси юрт, шаҳар ёки қишлоқдан эканини билдирувчи “лик” қўшимчаси ишлатилган барча отлар бош ҳарф билан ёзилди (масалан, Канъонлик, Мўаблик). Ўзбек тилининг грамматик қоидаларига кўра, бу сўзлар ўзбек тилида кичик ҳарф билан ёзилади. Аммо ўзбек китобхонига Муқаддас Китобдаги нотаниш жойларнинг номлари тўлиқ тушунарли бўлиши учун, мазкур таржимада улар бош ҳарф билан ёзилди.

Муқаддас Китобнинг бошқа тилларга қилинган таржималарида бўлгани сингари, мазкур нашрда ҳам Худони, Исо Масиҳни ва Худонинг Рухини билдирадиган ҳамма сўзлар ва олмошлар бош ҳарф билан ёзилди. Муқаддас Китобда қўлланган муайян махсус терминлар ва сўзлар ҳам бош ҳарф билан

⁷ Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИБРОНИЙЧА МАТН ибораси остида берилган ҚАДИМИЙ ТАРЖИМАЛАР иборасига қаранг.

ёзилди (масалан, Муқаддас чодир, Маъбад, Аҳд сандиғи, Худонинг Шоҳлиги, Хушхабар).

ИСМЛАР ВА ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЁЗИЛИШИ

Мазкур таржимадаги исмлар ва жой номлари асл матндан олинган бўлиб, ўзбек тилида талаффуз қилиниши осонроқ бўлиши учун бироз соддалаштирилган. Ўзбек китобхонига бошқа тарихий ва адабий манбалардан маълум бўлган исмлар ва жой номлари бундан мустаснодир (масалан, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Довуд, Сулаймон, Исо Масих, Миср, Қуддус ва бошқалар). Айрим ибронийча ва юнонча исмларнинг ҳамда жой номларининг талаффузи ўзбекчадаги ёки русчадаги сўзларга оҳангдош бўлгани боис, китобхон нотўғри тасаввурга бормасин деб, уларнинг шакли бироз ўзгартирилди. Мисол учун, ибронийча матндаги Ором юрти ўзбек тилига Орам юрти деб таржима қилинди, Эзра китобидаги Мордахай деган исм эса ўзбекчада Мардохай деб ёзилди, чунки бу исмнинг биринчи қисми рус тилида “морда”, яъни “хунук юз” деган маънони англатади.

КЎЧИРМА ГАПДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР

Мазкур таржимада диалогдаги кўчирма гаплар тире билан ажратилди. Сўзловчининг гапи абзац охирида тугайди. Сўзловчининг гапи анча узун бўлганда, айниқса, бир абзацдан ошганда, кўчирма гап қўштирноққа (“...”) олинди. Баъзан кўчирма гап бир нечта парчани, ҳатто бир нечта бобни қамрагани боис, баъзи сарлавҳалар ва боб рақамлари кўчирма гап таркибига кириб қолган. Бундай ҳолларда, кўчирма гап қанчалар узун бўлмасин, қўштирноқ кўчирма гапнинг бошида очилиб, охирида ёпилди (мисол учун, Аюб 23:1-24:25 га қаранг).

Муқаддас Китобнинг айрим парчалари ниҳоятда мураккаб бўлиб, кўчирма гапнинг ичида кўчирма гап келган ҳолатлар бор. Бундай ҳолат, айниқса, пайғамбарлар битикларида кўп учрайди. Бундай парчаларни замонавий пунктуация қоидалари билан белгилаш қийинчилик келтириб чиқариши табиий. Шу боис, мазкур таржимада қуйидаги қоидалар қўлланилди:

Кўчирма гап “...” билан ажратилди.

Кўчирма гап ичидаги кўчирма гап «...» билан ажратилди.

Кўчирма гап ичидаги кўчирма гап таркибида яна кўчирма гап келганда ‘...’ билан ажратилди.

Баъзан сўзловчининг гапи бир абзацдан узун бўлмаса, кўчирма гап ичидаги кўчирма гап тире (—) билан ажратилди. Бундай ҳолда сўзловчининг гапи абзац охирида тугайди.